

## Очиқ ўқув машғулоти

2021 йил 23 феврал куни Тошкент шаҳридаги 58-сонли ўрта махсус таълим мактабига ТИҚХММИ “Тиллар” кафедраси мудири Ф.Б.Қиличева ва доцент К. Н. Рахимовалар ташриф буюришди. Мактабнинг ҳарбий ихтисослаштирилган 7-Г синфида кафедра ўқитувчиси доцент К.Н.Рахимова “Ўзбек тили” фанидан “Боғловчи ва унинг турлари” мавзусида очиқ ўқув машғулоти олиб борди. Дарсни “Ўзбекистоннинг қуролли кучлари”, “Ватан ва ватанпарварлик” матнларида қўлланилган тенг ва эргаштирувчи боғловчиларнинг ишлатилиши ҳамда хусусиятларини тушунтириб, мисоллар орқали ҳарбий соҳага боғлаб қизиқарли равишда ўқувчиларда матн орқали юксак малакали ҳарбий кадрлар бўлиб етишишида зўр қизиқиш уйғота олди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**